

ТУРЛИ КЎЧАТ ҚАЛИНЛИКЛАРИГА БОҒЛИҚ ҲОЛДА СОЯНИНГ УНИБ ЧИҚИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ.

Атаҳажиева Феруза Машрабджановна

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8213465>

Аннотация

Ушбу Андижон вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида асосий экин сифатида экилган соянинг серхосил маҳаллий “Барака” ва “Устоз ММ-60” навларида турли кўчат қалинликларига боғлиқ ҳолда соя навлари ниҳолларинг униб чиқиши ва ҳосилдорлигига таъсири бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари баён этилган.

Калит сўзлар: турли кўчат қалинлиги, мақбул кўчат қалинлиги, экиш тизими, ўтлоқи- бўз тупроқлар, соя навлари, “Барака” нави, “Устоз ММ-60” нави, дон ҳосилдорлиги.

Республикамызда соя экинини етиштиришга бундай кенг имкониятларга эришилишининг энг асосий сабаби, соя экиннинг халқ хўжалигида катта аҳамиятга эгалигидандир. Бинобарин, соянинг биргина дони таркибида 38-42 фоиз, баъзи навларида 55 фоизгача инсон организми учун фойдали оқсил бўлади. Маълумки, инсон организми ҳамиша гўшт, сут, қатиқ, ёғ, тухум ва бошқа маҳсулотларни кўп талаб қилади. Шу боисдан, мойли экинлар, хусусан соя экиб, улардан юқори ҳосил етиштирган ҳолда олинган ҳосилни қайта ишлаш жараёнида мой олиш, юқори озуқа бирлигига эга бўлган ем-хашак тайёрлаб чорва молларини боқиш, соя донидан сунъий сут тайёрлаб бузоқларни озуқлантириш ва арзон маҳсулот етиштириш ҳам интенсив технологиядан фойдаланишнинг бири ҳисобланади.

М.Ҳабибуллаева, Х.Ҳабибуллаевлар таъкидлашларига кўра турли соя навларининг фенологик кузатувларига кўра, навларнинг униб чиқиши бўйича энг юқори унувчанлик “Барака”, “Эврика”, “Мадина” навларида кузатилиб, уларда 10% унувчанликка 29 апрелда, яъни экилгандан 5 кун ўтиб эришилган бўлса, 45% унувчанлик 5 май санасига тўғри келди. Демак, 75% унув унувчанлик даражаси 10 кундан (“Барака”, “Эврика”, “Мадина” (4.05) 16 кунгача (“Арлетта”-11.05) оралиқда бўлиб, “Барака”, “Эврика”, “Мадина” навлари андоза “Дўстлик”(тегишли равишда 2.05; 8.05) навидан 4 кунга эрта униб чиққан бўлса, энг паст даражадаги унувчанлик “Арлетта” навида кузатилиб, 10% унувчанликка 5 майда, 75% унувчанликка эса 11 май санасида тўғри келган [2; Б. 34.].



М.Маннопова маълумотларига кўра, “Барака” навини юқори агротехнологияларни ўз меъёрида, сифатли ўтказиш орқали нав имконияти гектаридан 52-58 центнергачани ташкил қилади [1].

Д.Ёрматова маълумотида кўра, соя навларида экиш меъёри эртапишар Генетик ва Сочилмас навларида 90-100 кг, Орзу навида 85-90 кг, Ойжамол, Тўмарис Дўстлик, Парвоз, Фаворит, Эврика, Сава навларида 80-85 кг, кечпишар Узбекская-6 ва Барака навларида 70-75 кг бўлганда гектарига экилганда ижобий натижалар олинган. Экишда маккажўхори ва сабзаёт сеялкалари билан экилади, соя уруғлари йирик бўлса экиш меъёри ошади, уруғлар майда бўлса экиш меъёри камаяди [3; Б. 43-44.].

Юқоридаги келтирилган маълумотларга таяниб соя етиштириш имкониятларини кенгайтиришда, соядан юқори ва сифатли дон ҳосили экиладиган навни тўғри танлаш ҳамда ҳар бир экишга тавсия этилган соя навларида энг илғор агротехнологияларини қўллашдаги занжирлардан бири тупроқ иқлим шароитларига мос бўлган мақбул кўчат қалинлигини ўрганиш муҳим ҳисобланади. Жаҳон соя етиштирувчи йирик давлатлар тажрибаларидан маълумки, энг мақбул экиш тизими кенг қаторлаб 45-70 см қилиб белгиланганда юқори ҳосил ва сифатли дон олишга мувофиқ бўлганлигини кузатишимиз мумкин.

Тадқиқот услугиёти. Илмий тадқиқот ишида асосий экин сифатида экилган тупроқ унумдорлигини оширувчи экин соя навларини етиштиришда унинг мақбул кўчат қалинлиги асосий омил сифатида ўрганилди. Тадқиқотлар дала ва лаборатория усулида бажарилди. Тажрибалар олиб боришда ЎзПТИ томонидан ишлаб чиқилган услублар “Методы полевых, лабораторных и вегетационных исследований” (1972), “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (2007), фенологик кузатувлар «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур», «Методика проведения полевых агротехнических опытов с масличными культурами» (Краснодар 2010), “Методы исследований в полевых опытах с соей”. (В.Т.Синеговская., Э.Т.Наумченко) (2016), қўлланмаларидан ҳамда натижаларнинг статистик таҳлилида Б.А. Доспехов (1985) услублардан фойдаланилди.

Илмий тадқиқотлар 2019-2022 йилларда Андижон вилоятининг Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти ўқув тажриба хўжалигида олиб борилди. Тадқиқот Андижон вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида, соянинг янги маҳаллий серҳосиллиги билан бирга ўртапишар бўлган «Устоз ММ-60» ва ўртача кечпишар



“Барака” навларида икки хил назарий кўчат қалинлигида тажриба қўйилди.

Тажриба 16 та вариант, 4 такрорланишдан иборат бўлиб, кичик майдонларда олиб борилди. Қатор ораси 60 см, узунлиги 50 м бўлиб, ҳар бир вариантнинг майдони $(0,6\text{м} \times 4) \times 50 = 120 \text{ м}^2$ (узунлиги 50 м, эни-2,4 м). Ҳисобли ўсимликлар сони ҳар бир делянкада 25 дона ташкил этган.

Соя навлари уруғлари апрел ойининг иккинчи декадасида 60 см қатор оралиғида асосий экин сифатида экилди. Ҳар бир вариантда доимий қозиқлар ўрнатилиб, белгиланган майдонларда амал даври давомида кузатувлар олиб борилди. Тадқиқотларда белгиланган назарий кўчат қалинлиги бўйича кузатувларга кўра, “Устоз ММ-60” нави кенг қаторлаб, 4-5 см чуқурликда, экиш меъёри гектарига мос равишда 250-300 минг дона, 350-400 минг донадан экилди. Уруғларни экишда пневматик сеялка СПЧ-4 дан фойдаланиб экилди. Соя ўсимлигининг маҳсулдорлигини ошириш учун экиш билан бирга азот 25 кг/га, ўсув даври давомида икки марта култивация қилиниб ҳар култивацияда 30-35 кг/га азотли ўғит берилди. Фосфор 100 кг/га ва калий 100 кг/га ўғитари билан озиқлантирилди. Суғориш меъёри 700 - 800 м³/ га.

Тадқиқот натижалари. Тажриба даласига экилган соя навларини назарий кўчат қалинликлари 250-300 минг туп экилган вариантларда униб чиқиши бўйича олинган натижаларига кўра, Устоз ММ-60 навида 271,5-272,4-272,1-271,8 минг/га униб чиқиши учун 8 кун кетган бўлса, Барака навида эса 273,3-273,6-274,2-274,2 минг/га тўлиқ униб чиқиши учун 9 кун керак бўлди. Демак Устоз ММ-60 навидаги кўчатлар Барака навига нисбатан катта фарқ қилмади фақат 1 кун эртароқ униб чиққанлиги аниқланди. Соя навларини назарий кўчат қалинликлари 350-400 минг туп экилган вариантларда эса униб чиқиши бўйича олинган натижалар Устоз ММ-60 навида 359,6-361,2-360,4-360,8 минг/га униб чиқиши учун 9 кун кетган бўлса, Барака навида эса 361,6-362,8-362,4-362,0 минг/га тўлиқ униб чиқиши учун 10 кун керак бўлди. Бундан кўриниб турибдики, Устоз ММ-60 навидаги кўчатлар Барака навига нисбатан деярли фарқ қилмаганлиги аниқланди.

Натижалардан кўриниб турибдики, тажрибада ўрганилаётган навлар уруғлари нав хусусиятига кўра дала шароитида униб чиқиш сурати ўзига хос. Соя навларининг кўчат қалинлиги мавсум бошида ва амал даври охирида баҳорги экиш муддатлари, экиш тизимлари фонида аниқланди. Соя ниҳоллари тўлиқ униб чиққандан сўнг



белгиланган назарий кўчат қалинлиги қолдирилиб ягоналаш ўтказилди. Шунга кўра тажриба вариантларида ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ва амал даври давомида кузатилди.

1-жадвал

Турли кўчат қалинликларига боғлиқ ҳолда соя дони ҳосилдорлигига таъсири, 2021 йил

Вар	Соя навлари	Назарий кўчат қалинлиги минг туп /га	Дефолиант меъёрлари	Қайтариқлар				ўртача
				I	II	III	IV	
1	Устоз ММ-60	250-300	Назорат	44,5	45,1	43,6	43,6	44,2
2			УзДЕФ- 4,0 л/га	52,8	53,3	51,9	51,6	52,4
3			Уздеф- 5,0 л/га	48,7	50,5	49,3	51,1	49,9
4			Уздеф- 6,0 л/га	47,6	48,9	49,1	47,2	48,2
5		350-400	Назорат	45,9	46,4	47,3	45,2	46,2
6			Уздеф- 4,0 л/га	56,5	57,8	57,1	56,6	57,0
7			Уздеф- 5,0 л/га	58,7	60,0	59,9	58,2	59,2
8			Уздеф- 6,0 л/га	53,9	54,2	55,1	55,6	54,7
9	Барака	250-300	Назорат	43,0	45,2	44,1	43,7	44,0
10			Уздеф- 4,0 л/га	52,8	51,6	53,3	51,1	52,2
11			Уздеф- 5,0 л/га	52,2	51,8	50,1	51,9	51,5
12			Уздеф- 6,0 л/га	49,4	50,5	48,7	48,2	49,2
13		350-400	Назорат	45,9	46,7	47,0	45,2	46,2
14			Уздеф- 4,0 л/га	52,7	53,4	54,5	53,8	53,6
15			Уздеф- 5,0	55,2	54,3	53,9	55,4	54,7

			л/га					
16			Уздеф- 6,0 л/га	51,8	52,1	55,2	50,5	52,4

Олинган натижалардан шуни хулоса қилиш мумкинки, соя навларидан “Устоз” нави “Барака” навига нисбатан эртапишар эканлигини аниқланди.

Андижон вилоятининг ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида, соя навларида назарий кўчат қалинлиги бўйича ҳосилдорлик ўрганилганда 6-7-8 вариантда “Устоз ММ-60” нави назарий кўчат қалинлиги 350-400 минг туп бўлганда энг юқори ҳосилдорлик 57,0-59,2-54,7 ц/га бўлганлиги ва бу кўрсаткич шу навни назарий кўчат қалинлиги 250-300 минг туп экилган 2-3-4 вариантга нисбатан 4,6-9,9-6,5 ц/га қўшимча ҳосил олинди.

Демак соянинг "Устоз ММ-60" навида энг яхши кўрсаткичлар назарий кўчат қалинлиги 350-400 минг туп бўлганда энг юқори ҳосилдорлик 6-7 вариантларда, Барака навида эса назарий кўчат қалинлиги 350-400 минг туп бўлганда энг юқори ҳосилдорлик 14-15 вариантларда кузатилиб, бунда мақбул кўчат қалинлиги 300-400 минг/га экилса юқори ҳосил олиш имконияти бўлади.

Хулоса. Тажрибада турли кўчат қалинликларига боғлиқ ҳолда соянинг “Устоз ММ-60” ва “Барака” навларини дон ҳосилига таъсири бўйича олинган бўлиб, Андижон вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида кўчат қалинлиги 350-400 минг/га тизимида етиштирилган соянинг "Устоз" навидан юқори дон ҳосилдорлиги 59,2 ц/га ни ташкил этган бўлса, “Барака” нави учун эса ўрганилган варианлар орасида юқори кўрсаткич 54,7 ц/га бўлганлиги 350-400 минг/га кўчат қалинлигида етиштирилган ўрганилган тупроқ иқлим шароитида мақбул деб хулоса қилиш мумкин. Демак, ушбу навларни баҳорги муддатларда асосий экин сифатида етиштиришда интенсив агротехнологияларни қўллаш соя навларидан олинадиган дон ҳосилини 20-25 %га ошириш имконияти мавжуд.

Адабиётлар:

1.М.Маннопова., З.М. Жумабоев. Соя ўсимлигида ўтказиладиган тадқиқотларда олиб бориладиган фенологик кузатувларни ўтказиш ҳамда бирламчи уруғчилик тизимини ташкил этиш бўйича қўлланма. 2021. Б. 40-41.





2.Ҳабибуллаева М., Ҳабибуллаев Х. Соя навлари орасида кузатиш ва таққослаш орқали олиб борилган изланишлар // Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги Тошкент, 2019. №5. – Б.34.

3.Ёрматова. Д., Кузметов З., Бойматова. М.А., Мойли экинларни етиштириш истиқболлари ва бугунги кундаги аҳволи // “Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда долзарб масалалар ва уни ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. Тошкент, 2020. – Б. 43-44.

4. Атаҳажиева Ф. Соя ўсимлигида дефолиация ўтказишнинг биометрик кўрсаткичлар ва ҳосилдорлигига таъсири. // Агро илм Тошкент, 2023. №4. Б.47-48.

